O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 6 январь, № 4 (3803) Жума

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



*Сиз суратда кўриб турган мана бу алпқомат йигитлар сизу бизнинг оиламиз бағрида тинчгина яшаб, меҳнат қилишимиз учун тунларни бедор ўтказишади.*



# СИЗ БОРКИ, ЮРТ ОСОЙИШТА

Бугун миллий армиямиз сафларида хизматини ўтаётган ўғлонларимиз ҳарбий тайёргарлик, интеллектуал салоҳияти жиҳатидан ҳеч бир мамлакат қўшини аскарларидан қолишмайди. Каттақўрғонлик учувчи, капитан Санъат Насимов 2001 йилда Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртини тамомлаганди. Бугун у хизмат қилаётган ҳарбий қисм ҳар соҳада етакчи. Ортда қолган 2004-2005 ўқув йили ҳам Санъат хизмат қилаётган жамоа Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучлари қисм ва бўлинмалари ўртасида ўтказилган мусобақада энг илғор, деб тан олинди. Ушбу ҳарбий қисм бундай шарафга тўртинчи маротаба сазовор бўлди.

— Бу муваффақият Қуролли Кучлар ташкил топганлигининг 14 йиллик тантанасига муносиб совға бўлди, — дейди С. Насимов.— Қолаверса, бу ҳарбий қисмимизда барчанинг ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётганлиги самараси, деб ҳисоблайман. Истиқлол меваси ҳисобланган шундай нуфузли билим юртида таҳсил олганимдан, ҳар қандай об-ҳаво шароитида Ватан сарҳадларини муносиб ҳимоя қилишга шай бўлган дўстларим билан бирга хизматни ўтаётганимдан доимо фахрланаман.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: ҳарбий қисм ҳаётидан лавҳалар.**
**Камолиддин ТЎРАЕВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

### Б.А.Матлюбовни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида

Баҳодир Аҳмедович Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

### F.Т.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари — жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисида

Ғайрат Тоирович Қодиров Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари — жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 5 январь.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хомашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратади, бу, ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва баъзи бир хизматлар кўрсатишни ташкил этиш орқали йирик саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар касаначиликни ривожлантиришнинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, касаначилар ижтимоий ҳимояси ва меҳнати муҳофазасини таъминлашни инобатга олган ҳолда аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

саноат корхоналари билан уларнинг буюртмалари асосида уйда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, биринчи навбатда, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган тикувчилик, атторлик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель, электрон саноатида, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртасида кооперацияни ривожлантириш;

корхоналарнинг буюртмалари асосида уйда ишлаётган фуқароларга буюртмачилар томонидан хомашё, материаллар ва яримфабрикатларни етказиб бериш ҳамда буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни кафолатлашда барқарор шароитлар яратиш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

корхоналарнинг буюртмалари уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади;

корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначилар банд аҳоли тоифасига киради ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади, пенсиялар ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади;

касаначилик меҳнати амалга оширилаётган турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказиш талаб этилмайди;

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон — умумий уйимиз*

## Эзгулик йўли мангудир

*Янги — 2006 йилни шод-хуррам, энг асосийси, хотиржам кутиб олдик. Ахир, тинч бўлмаган оилага байрам татирмиди?! Бу ҳақда бекорга гапирганим йўқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Янги йил табригида зикр этилганидек, бугун бизнинг энг катта ютуғимиз — бу тинч, осуда ҳаётимиздир. Бунга ҳасад қиладиганлар кўп, лекин улардан чўчимаслик, ҳеч кимдан кам ва ҳеч кимга қарам бўлмаслигимизни бизга Йўлбошчимиз ўргатди...*

*Ўзбекистонда, унинг гўзал, мафтункор бир гўшаси бўлган Андижонда яшаётганимга кўп йиллар бўлди. Асли Эстонияда туғилганман. Таллиндаги денгиз флоти олий билим юртида ўқигач, узоқ йиллар шу соҳада хизмат қилдим. Дунёнинг кўп мамлакатларида бўлдим. Лекин ҳеч бир юртни Ўзбекистонга, танишларим, оғаларим, қўни-қўшниларим, қариндошларим маскани Андижонга ўхшатолмадим. Зеро, меҳмондўстлик, ўзаро ҳурмат, самимият, аҳиллик бошқа ҳеч бир юртда бу қадар эмас-да!*

*Хўжаободдаги Мадиёров номли ширкат хўжалигида мана, беш йилдирки, тадбиркорлик билан шуғулланаяпман. Шаҳрихонсойда уч гектар ерим бор. Тасаввур қилинг: рус кишиси ўзбек заминида тўла ҳуқуқли мулкдор! Сунъий кўл ташкил қилдим. Балиқ парваришлаяпман. Яқинда ҳамюртларим менга ишонч билдиришиб, туман овчилар ва балиқчилар жамиятига раис этиб сайлашди. Сафимизга 150 нафар овчи, балиқчи аъзо бўлиб кирди. Биз табиатнинг бетакрор ҳудудлари бўлган Оқбўйра дарёси, Шаҳрихонсой, Андижонсой бўйларини, Имомота, Гулбаҳор, Манак ота, Ҳожи бекат каби тоғларни назорат қилмоқдамиз. Негаки, бу ерларда ўта ноёб ҳисобланган сувсар, жайрон, ўрдак, ғоз, ёввойи каптар, каклик, қашқалдоқ сингари жониворлар мавжуд. Уларни асрашимиз, кўпайтирмоғимиз керак.*

*Бугунги ҳаётимдан мамнунман. Шинамгина ҳовли-жойим бор. Яқинда машинали бўлдик. Икки нафар қизимиз Москва давлат юридик университетида таҳсил олди. Ўғлимиз Владимир ҳам уларнинг изидан боряпти.*

*Бизга ўхшаш оилалар Ўзбекистонда озмунчами? Юрт тинч бўлса, одамлар ўртасидаги аҳиллик, ҳамжиҳатлик мустаҳкамланаверса, ҳаёт фаровонлашиб, шаҳар ва қишлоқлар ободонлашаверади.*

*Бир нақл бор: «Эгали юрт эркини бермас». Асрлар синовидан ўтган бу гапнинг нечоғлик ҳақ эканига 13 майда содир этилган воқеалардан кейин яна бир бор амин бўлдим. Зотан, маърифатли, илму адабда етук бу халқнинг ўз танлаган йўли, ҳақиқатпарвар, эртанги кунга дадил етаклагувчи Йўлбошчиси бор. Шу юртнинг тузини тотган киши сифатида бемалол айтишим мумкинки, биз, турли миллат вакиллари бир-биримизга қаттиқ ишонамиз. Шу ишонч туфайли ҳам ақли- ҳуши жойида бўлган биронта одам ўша таҳликали кунлари ғаламисларга эргашмади, уларнинг сафсаталарига қулоқ тутмади.*

*Мен — ўзбекистонликман. Ўз тақдиримни ўзбеклар тақдири билан боғлаганимдан фахрланаман!..*

**Владимир РЕШЕТНИКОВ,**
**тадбиркор.**
*Андижон вилояти, Хўжаобод тумани.*

*Газетхон газета ҳақида*

*Мен газета орқали республика Марказий банки раҳбарлари, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлари билан «Бевосита мулоқот»да учрашишни истардим. Чунки фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи газетада кенг ёритилса, дейман. Шунингдек, республика Бош прокуратураси ходимларининг чиқишлари ҳам газета орқали тез-тез уюштирилишини хоҳлайман.*

**Оқилжон ЮСУПОВ.**
**Қашқадарё вилояти.**



## Бевосита мулоқот
## СИЗНИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ЭШИТАДИ

*Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш тадбирлари, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида тиббиёт ходимлари касб маҳоратини муттасил ошириш учун қандай омилларни ишга солиш мумкинлиги тўғрисида, соҳага оид Сизни қизиқтирган бошқа саволларингизга «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти томонидан ташкил этилган бевосита мулоқотда*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз НАЗИРОВ жавоб беради.**

***Бевосита мулоқот шу йил 12 январь куни соат 10.00 дан 12.00 гача 144-10-08, 144-15-81 телефонлари орқали ўтказилади.***

***Вазирга аталган саволларингизни олдиндан таҳририятнинг 132-12-08 телефонига ёки 136-37-85 факсига, шунингдек, info@xs.uz E-mailига узатишингиз мумкин.***

## ТАБИАТ ВА РАССОМ

*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Табиат ва рассом" кўргазмаси ўтказилмоқда.*

Мана, бир неча йилдирки, мазкур кўргазма анъанавий бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, чунки Ватанимизнинг бетакрор табиати ҳар доим рассомлар учун илҳом манбаи бўлиб келган. 400 га яқин асар намойиш этилаётган кўргазмани Ўзбекистон мўйқалам усталарининг 2005 йил учун ўзига хос ижодий ҳисоботи, дейиш мумкин.

Бу ерда турли жанрларда яратилган асарларни кўрасиз. Хусусан, М.Тошмуродов, Б.Бобоев, А.Мирсоатов, Н.Худоймуродов, Я.Салпинкиди ва бошқаларнинг асарларидаги бепоён далалар, кўм-кўк осмон, зилол сувлар, осмонўпар тоғлар акс эттирилган. Бу манзаралар кўзни қувонтиради ва она-табиатни асраб-авайлашга чақиради.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# «Мўъжизанинг бунёдкори – халқимиз»

***— Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолганди. Ҳар йилги анъанага кўра, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг халқимизга йўллаган Янги йил табриги янгради, — дейди пайариқлик фермер Тўйчи Номозов. — Шундай ҳаяжонли лаҳзаларда ҳар бир инсон тўкин дастурхон атрофида ўтган бир йиллик умрини ўзича сарҳисоб қилиши табиий. «Нималарга улгурдим-у, нималар ёддан чиқди? Ўтган 2005 йилда ҳаётимда қандай ўзгаришлар рўй берди? Қандай муваффақиятларга эришдим-у, қайси имкониятларни бой бердим?» каби саволларга жавоб топишга уринади.***

Янги йил табригини эшитар эканман, 2005 йилнинг ҳар бир куни хаёлимдан бирма-бир ўта бошлади. Ўтган йил нафақат ҳар бир инсон, балки бутун республикамиз ҳаётида ўчмас из қолдирди. Эришилган салворли муваффақиятлар барча ўзбек хонадонига янгилик олиб кирди, дейишга етарлича асос ҳам бор.

«**Айниқса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз, албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолмайди»,** дея таъкидланади Президент табригида. Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган бир қатор чора-тадбирлар қай даражада самара бераётганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Хўжалик юритишнинг янги тизими – фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилаётгани боис ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмоқда. Айтиш мумкинки, қишлоқ мулкдорлари мамлакатимиз тараққиётининг таянч устунларидан бирига айланиб бораётир. Буни ҳозирда мамлакатимизда меҳнат қилаётган 126 минг нафар ҳамкасбларим — фермерлар амалга ошираётган улкан ишлар миқёсидан ҳам билса бўлади. Яна бир мисол. 2005 йили мамлакатимизда етиштирилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — ғалла ва пахтанинг 70 фоизи улар улушига тўғри келди. Жорий йилда фермерлар сафини янада кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалик корхоналари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз 428 та ширкат хўжаликги тугатилиб, улар негизида 20 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этиш кўзда тутилган. Демак, янги йилда уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши янада ортиши аниқ.

— 2005 йилда тадбиркорларимизга ҳақиқий эркинликлар берилди, — дейди биз билан суҳбатда **хусусий тадбиркор Раҳим Турсунов.** — Тадбиркорлик субъектларини текшириш тубдан қисқартирилди, уларнинг ишида учраётган барча тўсиқлар олиб ташланди. Ишбилармонлар ўртасидаги можароларни ҳал этиш мақсадида ҳакамлик судлари ташкил қилинди. Ҳукуматимизнинг миллий иқтисодиётимизни эркинлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари « янги босқич сифатида тарихга кирди.

*Мушоҳада*

Бир нарсани мамнуният билан таъкидламоқчиманки, мамлакатимизда қисқа муддатда мулкдорлар синфи шаклланди. Ҳар бир инсон ўз манфаатидан келиб чиқиб ҳаракат қилади. Ана шу шахсий манфаат давлат, халқ манфаати билан уйғунлашгандагина ўзининг ижобий самарасини беради. Бу ўринда ҳеч иккиланмай тадбиркор сифатида айтишим мумкинки, менинг даромадим бугун халқнинг даромадини, давлатнинг даромадини белгилаб бермоқда.

Бир сафар давлатимиз раҳбари юксак минбардан туриб, «Мўъжизанинг бунёдкори — халқимиз» деб айтган эди. Ҳақиқатан ҳам, 2005 йилда эришилган салмоқли ютуқларимизнинг бунёдкори меҳнатсевар халқимиздир. Ўтган йилда забт этилган марралар яна бир бор Ўзбекистон халқининг салоҳияти нималарга қодир эканлигини кўрсатди. Пировардида бир фикрни такрорлаб айтмоқчимизки, шундай фидойи ва заҳматкаш халқимиз бор экан, Ўзбекистон тенглар ичра тенг бўлиб, ўзининг буюк мақсадлари сари дадил бораверади.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ПАХТАБАНК»

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ВА ЙИРИК БАНКЛАРИДАН БИРИДИР.

Таркибида 13 та вилоят бошқармаси, 183 та туман бўлими, 600 дан зиёд мини банки мавжуд.

Қулай ва манфаатли хизматлардан фойдаланинг.

Юридик ва жисмоний шахслар учун БЕПУЛ маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади.





Юридик шахсларга ҳисоб рақамларини очишда ва ҳисоб-китобларини амалга оширишда 50% ЧЕГИРМА беради!



АРЗОН ФОИЗЛАРДА аҳоли учун истеъмол кредитларини таклиф этади.



Қимматбаҳо бойликларингизни сақлаш учун банк ДЕПОЗИТ КАТАКЧАЛАРИ хизматларини таклиф этади.





«Пахтабанк» фаровонлигингиз калитидир.

1984Н/2496


*Журналист суриштируви*

# ТОПМАЁТГАН ИШ

ишларининг гувоҳи бўлдик. Улар бу навларнинг асосчиларидир. Шунинг учун ҳам бу навларнинг селекциячиси ва муаллифи бўлишга лойиқ ва ҳақли, деб биламиз. Чунки улар, ҳақиқатан ҳам, нав устида ишладилар. Қисқаси, бу навларни яратишда, районлаштиришда, белги ва хусусиятларини барқарор ҳолга келтиришда, касалликка чидамлилигини оширишда, уруғини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилашда уларнинг хизматлари жуда катта», деб ёзади Пайариқ туманидаги «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги раиси И.Казакбоев. Бошқа хўжаликлар раҳбарлари ҳам худди шундай фикрлар билдиришган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси низомининг 1-бандида: «Қишлоқ хўжалик экинларини синаш жараёни селекция ишларининг давоми ҳисобланади», дейилган.

Вилоят судининг ажримида А.Тошев ва А.Шапошников амалга оширган ишлар ижодий иш эмас, улар ўзларига юкланган вазифаларни бажариб келишган, деган баҳо берилади. Аслида уларга юкланган вазифа «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» навлари селекция ишларини якунлаб, дастлабки уруғчиликни ривожлантириш, навнинг белги ва хусусиятларини барқарор ҳолга келтириб, навдорлигини давлат стандартлари талаблари даражасига етказиш эди. Наҳотки, шу ишларни ижодий меҳнат деб бўлмаса?

Даъвогарлар таҳририятга ва судларга ёзган шикоятларида Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг собиқ директори Ш.Ибрагимов ҳамда институтнинг Самарқанд тармоғи директори Э.Абдураҳмоновнинг янги навларни яратишга алоқаси йўқ, улар ўзларига юкланган раҳбарлик вазифаларини бажаришган, холос, деб эътироз билдиришган. Иштихон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди уларнинг бу даъвосини қисман қондириб, Э.Абдураҳмоновни муаллифлар сафидан чиқаради. Лекин Самарқанд вилояти фуқаролик ишлари бўйича суди ўз ажрими билан бу қарорни бекор қилади, аммо сабабини тўла асосламайди. Суднинг таъкидлашича, «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» навларининг муаллифлари навларни яратиб, асосий муаллиф Ҳ.Иброҳимов билан ўзаро келишув асосида навларга нисбатан ўзларининг битимларини тузганлар ва илмий кенгаш томонидан қарор қабул қилиниб, Давлат нав синаш комиссиясига юборилган».

Аммо Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси раиси ўринбосари Т.Абдухолиқовнинг билдиришича, «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» ғўза навлари селекционерлари ўртасидаги ўзаро келишув шартномаси Давлат нав синаш комиссиясига топширилган ҳужжатлар ичида мавжуд эмас. Унда суд ушбу далилни қаердан олди экан?

Майли, битим давлат нав синаш комиссиясига юборилган ҳужжатлар орасида эмас, бошқа жойда сақланаяпти, деб фараз қилайлик. Унда бошқа бир савол пайдо бўлади: икки директор ғўза селекцияси бўйича мутахассисми? Даъвогарларнинг фикрича, Э.Абдураҳмонов ғўза нави бўйича эмас, бедачилик бўйича илмий иш қилган. Шундай экан, нега муаллифлар сафига унинг фамилияси қўшилиб қолди? Суд ажримида ушбу саволларга жавоб берилганда, даъвогарлар ноҳақлик бўлди, деб бугун юқори идораларга шикоят ёзиб юрмаган бўлармиди?

Қўлимизда 1999 йил 14 февраль куни Давлат нав синаш комиссиясига юборилган 16 рақамли хат турибди. Унга Ўзбекистон ПИТИ Самарқанд тармоғи директори Э.Абдураҳмонов ва тармоқнинг селекция бўлими бошлиғи Ҳ.Иброҳимов имзо чеккан. Ушбу хатда «Оқдарё-6» ғўза нави муаллифлари гуруҳидан В.А. Дубаносов ва П.Н.Плотниковларни чиқариб, Ҳ.Иброҳимовга 35 фоиз, Э.Абдураҳмоновга 15 фоиз, С.Юсуповага 15 фоиз, Ш.Ибрагимовга 10 фоиз, А.Тошевга 15 фоиз, К.Баланюкка 10 фоиз муаллифлик ҳуқуқини бериш лозимлиги айтилган.

Шуниси қизиқки, худди шу куни юқоридаги рақам билан Давлат нав синаш комиссияси раҳбари номига яна бир хат юборилган. Унга директор имзо чекиб, муҳр босган, Ҳ.Иброҳимовнинг фамилияси ёзилган бўлса-да, имзоси йўқ. Хатда «Оқдарё-6» нави бўйича Ҳ.Иброҳимов 60 фоиз, П.Плотников 10 фоиз, В.Дубаносов 5 фоиз, Ш.Ибрагимов 10 фоиз, Э.Абдураҳмонов 15 фоиз муаллифлик ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган.

Хўш, бу хатларнинг қайси бири ҳақиқий? Уларнинг қай бирига ишониш керак?

Самарқанд вилояти фуқаролик ишлари бўйича суднинг апелляция инстанциясининг ажримида юқорида келтирилган биринчи хатга муносабат билдирилиб, «...судлов ҳайъати ушбу ариза ишончга сазовор эмас, деб ҳисоблайди, чунки ариза илмий кенгашда муҳокама қилинмаган ва муаллифлар билан келишилмаган», дейди.

Майли, шундай бўла қолсин. У ҳолда, иккинчи хат илмий кенгашда муҳокама қилиниб, муаллифлар билан келишилганми? Нега иккинчи хатга эътироз билдирилмаяпти? Ахир, 1993 йилги илмий кенгаш йиғилишида муаллифларнинг фоиз ҳисобидаги улушлари сал бошқачароқ эди, шекилли? Муаллифларга ҳар йилги фойдадан гонорар тўлаш тартиби ўрнатилгандан сўнг (бу масалага кейин яна қайтамиз — Б.Э.) нега илмий кенгашда тасдиқланган фоиз ҳисобидаги улушлар ўз-ўзидан ўзгариб қолди?

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят судининг ажримида «Самарқанд пахтачилик тажриба станцияси илмий-техника кенгашининг 1993 йил 7 декабрдаги қарори билан «Оқдарё-6» ғўза навини Давлат нав синаш тармоқларига қабул қилиш ва ушбу навга Ҳ.Иброҳимов 30 фоиз, Ш.Ибрагимов 10 фоиз, В.Дубаносов 25 фоиз, П.Плотников 30 фоиз ва Э.Абдураҳмонов 5 фоиз муаллиф эканлиги белгиланган», дейилган.

Энди 2001 йил 5 январь куни Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти Самарқанд бўлимида чиқарилган 1-буйруққа эътибор беринг. Унда «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» ғўза навлари муаллифларини Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги қарори асосида рағбатлантириш ҳақида гап боради. Мукофот пули муаллифларнинг навни яратишдаги ҳиссасига қараб (фоиз ҳисобида) белгиланган. Ушбу буйруқ бўйича «Оқдарё-6»нинг яратувчиларидан Ҳ.Иброҳимов 60 фоиз, В.Дубаносов 5 фоиз, Ш.Ибрагимов 10 фоиз, П.Плотников 10 фоиз, Э.Абдураҳмонов 15 фоиз ҳақ олаяпти.

Қизиқ. Ахир, кенгашнинг қарорида улушлар фоизи бошқачароқ эди-ку? Нав муаллифи Ҳ.Иброҳимовнинг улуши 30 фоизга, тармоқ директори Э.Абдураҳмоновнинг улуши 10 фоизга кўпайган ҳолда, В.Дубаносов ва П.Плотниковнинг улуши 20 фоизданга камайиб қолибдими? Нега? Қанча бош қотирмайлик, бу саволга жавоб топа олмадик.

Институт раҳбарлари А.Тошев ва А.Шапошниковнинг даъволарига 1989 ҳамда 1993 йилларда илмий кенгашнинг қарори чиққан, унда «Муаллифлар, уларнинг улушлари фоизини ўзгартириб бўлмайди» деган важ кўрсатилган. Лекин юқоридаги далил буни ўзлари бузганлигига яққол исбот бўлади.

Яна бир гап. 2002 йилнинг 19 август куни ЎзПИТИнинг Самарқанд бўлими директори Э.Абдураҳмонов институт бош директорига хат йўллаб, «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» навлари муаллифларидан А.Бонка ҳамда В.Дубаносов доимий яшаш учун Россия Федерациясига кетганлигини ҳисобга олиб, уларнинг маблағига бўлим учун машина сотиб олишга рухсат сўрайди. Институт бош директори Ж.Аҳмедов ҳам ўйлаб ўтирмай, бунга рухсат беради. Кейинроқ Э.Абдураҳмонов хато қилганини сезиб қолади, шекилли, бош директорга яна хат билан мурожаат қилади. Бу сафар А.Бонка ва В. Дубаносов маблағларини грант тематикасига қўшилмай қолган илмий ходим ва лаборантларни сақлаб қолиш учун ишлатишга рухсат сўрайди. Ж.Аҳмедов бунга ҳам рухсат беради.

Энди айтинг-чи, ҳурматли газетхон, бировнинг гонорарини бошқа эҳтиёжлар учун ишлатиш қайси қонунга тўғри келади? Институт ва унинг бўлими раҳбарининг бу хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин? А.Бонка ва В.Дубаносов бир кун келиб пулини сўраса, нима деб жавоб беради? Пул ишлатиб юборилган бўлса, уни ким тўлайди?

Хуллас, «Оқдарё-5» ва «Оқдарё-6» навларининг муаллифлиги билан боғлиқ бу можаро, мана, олти-етти йилдирки, ўз якунини топмаяпти. Судлар жараёнида юқоридаги каби жиддий чалкашликларга йўл қўйилаётгани эса можаронинг авж олишига кўмаклашаяпти, холос. Хўш, А.Шапошников ҳамда А.Тошев томонидан амалга оширилган ишлар ижодий меҳнат ҳисобланадими? Уларни юқоридаги ғўза навлари ҳаммуаллифлари, дейиш мумкинми? Бу саволга ким, қачон якуний нуқта қўяди?

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Етти хазинанинг бири

*Маълумотларга қараганда, Фарғона вилоятида 532254 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Шундан 491032 боши шахсий хўжаликлар, 25609 боши фермер ва 15610 боши эса ширкат хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Айтиш жоизки, вилоят мутасаддилари томонидан чорва учун ем-хашак таъминоти, ветеринария ва наслчилик хизматлари талаб даражада ташкил этилаётгани ўз самарасини бермоқда. Мисол учун, аҳоли қўлидаги қорамоллар бош сони 2005 йилда 2004 йилдагига нисбатан 105,1 фоизга ўсди.*

*Фарғона туманидаги 7 та наслчилик фермасида ҳам қорамоллар бош сонини кўпайтириш, уларни диагностик назорат қилиш, наслини яхшилаш орқали чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.*

**СУРАТДА: "Водил" ширкат хўжалиги наслчилик фермаси ишчиси Гулёра Тиркашева.**

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## «СОҒЛОМЖОН — ПОЛВОНЖОН»

"Истиқлол" болалар спорт мажмуида Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Соғломжон-полвонжон" спорт мусобақаси ўтказилди.

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш ҳамда "Соғлом авлод учун" жамғармаларининг шаҳар филиаллари кўмагида ташкил этилган мазкур мусобақада 200 дан зиёд бола эстафета ўйинлари бўйича куч синашди.

Беллашувларда Юнусобод тумани жамоаси бош совринни қўлга киритди.

**Қ.ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҚИШЛОҚҚА ГАЗ КЕЛДИ

Янги йилнинг илк кунларида Беруний туманидаги Улуғбек номли фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги 200 хонадонда "зангори олов" ёнди.

Бу ердан етти километр масофагача юқори босимли газ қувури ётқизилиб, "Қизилқалъа" газ тақсимлаш шохобчасига уланди. Яна уч километр масофага кичик босимдаги ички газ тармоғи тортилди.

Ҳашар йўли билан амалга оширилган бу хайрли ишга 30 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**



# «Мужарработ» Ва унинг таржимаси

*Ибн Сино фавқулодда хотира эгаси бўлиб, 10 ёшидаёқ Қуръон, наҳву сарф (араб тили грамматикаси), аруз ва қофия илмларини чуқур эгаллаб улгурган эди. У умри давомида ўзининг фалсафий ва тиббий фикрларини баён қилувчи ғазал, қитъа, рубоий ва уржуза (достон)лар ёзди.*

Унинг бошқа асарлари қатори шеърияти ҳам жаҳон олимларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Турк олими Шарафуддин Ялтканинг "Чоп қилинмаган Ибн Сино шеърлари" ("Ибн Сино" тўплами, Истанбул, 1937), Е. Бертельснинг "Авиценна и персидская литература", ёзувчи Садриддин Айнийнинг "Шайх ур-раис Абу Али ибн Сино" (Душанбе, 1939), ироқлик Ҳусайн Али Маҳфузнинг "Диван Ибн Сино" каби асарлари шулар жумласидандир. Доктор Маҳмуд Нажмободий эса "унинг араб ва форс адабиётида ўзига хос баланд мақом ва мавқе эгаси" эканлигини таъкидлайди.

Ибн Синонинг бевосита табобатга оид ёзган уржуза (достон)лари қуйидагилардир:

*1.Табобат (соғлиқни сақлаш)га оид уржуза.*

*2.Тўрт фасл ҳақидаги уржуза.*

*3.Табобат ҳақида уржуза.*

*4.Ташриҳ (анатомия) ҳақида уржуза.*

*5.Буқротнинг насиҳатлари ҳақида уржуза.*

*6.Тиббий насиҳатлар ҳақида уржуза.*

*7.Шаҳвоний қувват ҳақида уржуза.*

*8.Тажрибадан ўтган нарсалар ҳақида уржуза.*

"Уржуза фи-т-тибб" ("Табобат ҳақида уржуза") деярли дунёнинг барча тилларига ўгирилган. Қолганлари ҳали ўрганилган ва таржима қилинган эмас. Ана шулардан бири "Ал-уржуза фи-л-мужарработ" ("Тажрибадан ўтган нарсалар") деб аталади. Унинг биттагина қўлёзма нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинасидан 3008/II ашё рақами билан жой олган. 129 байтдан иборат бир нусхаси Британия музейида, 280 байтлик бир нусхаси эса Американинг Пристон университетида сақланмоқда.

ЎзР ФА ШИ фондидаги нусхада араб-

## Дунёнинг хазинаси

ча шеърлар билан бирга, форс тилидаги насрий таржима ва изоҳлари ҳам берилган. Улар бухоролик олим Қори Раҳматуллоҳ Возиҳ қаламига мансуб бўлиб, 1309/1842 йилда амалга оширилган. Унда уржузанинг фақат 49 байтигина келтирилган. Қори Раҳматуллоҳ форсча таржиманинг кириш қисмида ёзади: "Бу рисола Шайх ур-раис Абу Али ибн Абдуллоҳ ибн Синога мансуб қасида бўлиб, баъзи улуғ кишиларнинг ишораси билан ишга машғуллигим кўплиги ва бўш вақтим камлигига қарамай, икки кун ичидаги бўш фурсатда ёзиб тугатилди. Агар унда хато ва нуқсондан огоҳ бўлинса, илло, тузатиш ва кечиришдан умид қилинур. Бу қасида илмларнинг кўпгина ажойиб ва ғаройибларини ўз ичига олган бўлиб, уларни сирлар жумласидан деб аташ мумкин ва ноаҳллардан пинҳон тутиш лозим ва (асрашга) интилиш керак".

Дарҳақиқат, ушбу уржузада ғаройиб тажрибалар келтирилган ва номидан кўриниб турганидек, улар Ибн Синонинг тажрибасидан ўтган. Масалан, нўшодир (новшадил) ҳақидаги шеърни ўқиймиз:

***Фа-риҳуҳу йуқаттилу-л-афоъий,***
***Ъани-л-ҳавомми ва-з-забиби-с-соъий.***

Таржимон уни шундай шарҳлайди: "Яъни нўшодирнинг ҳиди афъо илонини ва зиён етказувчи замин ҳашаротларини ўлдиради". Ёки илон заҳри ҳақида дейди: "Илоннинг ўт суюқлиги ўлдирувчи заҳардир ва бу суюқлик илон чаққан кишининг муқобили ва баробарида тутилса, заҳарни даф қилади... Заҳар ичган киши ҳар вақт илоннинг ўт суюқлигидан бир ҳабба, яъни икки жав (ўлчов бирлиги) миқдорида ичса, бу билан заҳардан нажот топади".

Ибн Сино адабиётшунос олим ҳам бўлган. Шу соҳага бағишланган тўртта асари борлиги манбалар орқали маълум. Унинг тадқиқ этилмаган бу ва бошқа шеърий асарларини ўрганиш ҳамда таржима қилиш олдида турган вазифалардан биридир.

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ.**



# Болалигим — беғуборлигим

*Ҳеч эътибор берганмисиз, болалар билан суҳбатлашган ҳар қандай киши маълум муддатга болалигига қайтгандай бўлади. Уларнинг чучук тиллари, самимий бақишлари, ҳайратларга тўла нигоҳлари бир зум бўлса-да сизни олис болалигингизга етаклайди.*

*— Болалар билан ишлаш қанчалик оғир бўлса, шу қадар мароқли, — дейди Охунбобоев тумани халқ таълими мудири Зикрилло Тешабоев. — Туманимизда 38 та мактабгача тарбия муассасаси мавжуд бўлиб, улар орасида 4-мактабгача таълим муассасаси энг намунали даргоҳлардан саналади. Бу ерда тарбияланаётган етмишдан зиёд болажонларга барча шароитлар яратилган, боғча опалари улар атрофида парвона. Таълим муассасаларининг моддий шароитларини яхшилаш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан 135 гектар боғ ажратиб берилган. Бу эса болажонлар ошхонаси таомномасининг турли сабзавот ва мевалар билан бойишини таъминламоқда.*

**СУРАТДА:** машғулот пайти.

**М. ҚОДИРОВ (Ўз А) олган сурат.**

**ДСҚ матбуот хизмати хабар қилади**

## Эгачим овга чиқди...

Қашқадарёлик Феруза Мавлонова олди-сотдига ўзини уриб, дурустгина сармоя орттирганди. Шу боис кейинчалик қўшни вилоятлардан арзон-гаровга товарлар олиб келиб, устама нархларда пуллашга киришди. Бир гал Хоразмга, иккинчи сафар Қорақалпоғистонга йўл олди. Телерадиотоварлар шу томонларда арзонроқ экан, деб эшитганди.

Лекин навбатдаги сафар унинг учун хосиятсиз тугади. Хорижда ишлаб чиқарилган 7 та телевизор, 100 литр спирт ва бошқа товарлар билан Китоб туманига кириб келаётган пайтида «Мингчинор» йўл-патруль хизмати маскани ходимлари ва солиқчиларга рўбарў келди. Товарлардан бирортасининг ҳам ҳужжати йўқ эди. Ҳаммаси машинадан туширилиб, вақтинча сақлаш учун омборхонага топширилди.

«Эгачим овга чиқди, кетидан ғавғо чиқди» деганлари шу бўлса керак.

## Қалбаки гувоҳнома панд берди

Солиқ ва бошқа тўловларнинг тўғри ҳисобланишини ва ўз вақтида банкка тўлиқ ўтказилишини режа бўйича текширгани келган Қўқон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимини кўриб, «Музлифа Қўқон» хусусий корхонаси раҳбари Бахтиёр Ойматовнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Чунки қўлида унга тақдим этиладиган бирорта ҳам тайинли ҳужжат йўқ эди. Шу боис ҳар хил баҳоналарни қалаштириб ташлаб, текширишни кейинроққа қолдиришни илтимос қилди.

Инспектор сездики, бу ерда бир гап бор. Бўлмаса, бирламчи ва бухгалтерия ҳужжатлари яширилмасди. Шу ҳолат сабаб бўлиб, инспектор корхонанинг банкдаги ҳисоб рақами орқали амалга оширилган айланмаларни ўрганишга киришди. Аниқланишича, Б. Ойматов ўтган йилнинг 31 мартидан 13 майигача бўлган даврда қалбаки гувоҳнома билан 100 миллион сўмлик рангли телевизорларни сотган, савдо пулини назорат-касса машинасига кирим қилмаган ва банкка топширмаган экан.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди ушбу ҳолат бўйича тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Б. Ойматовга нисбатан катта миқдорда жарима жазоси тайинлади.

# Спорт

## Русланнинг навбатдаги рейтинг жанги

***Эртага профессионал бокснинг ўта оғир вазнида ҳамюртимиз Руслан Чагаев ўзининг навбатдаги рейтинг жангини ўтказади.***

Германиянинг Мюнхен шаҳрида жойлашган "Die Kulturhalle" спорт мажмуасида ўтадиган жангда Русланга америкалик тажрибали «чарм қўлқоп» устаси Роба Кэллоуэ рақиб бўлади. Ўзининг профессионал боксдаги фаолияти давомида Руслан Роба Кэллоуэга қарши иккинчи бор майдонга тушмоқда. Биринчи учрашув 2002 йилнинг 5 октябрида Американинг Детройт шаҳрида бўлиб ўтганди. Ўшанда Роба учинчи раундда юзидан жароҳат олганлиги сабабли жанг тўхтатилиб, боксчиларга техник дуранг ёзилганди.

**Ўз мухбиримиз.**

## «Трактор» тайёргарликни бошлади

"Трактор" жамоасининг тўрт нафар иқтидорли ўйинчиси янги мавсум арафасида "Пахтакор" клуби таркибига қўшилганлиги ҳақида аввал хабар бергандик. Бош мураббий Вадим Абрамов қолган таркибни сақлаб қолиш, жамоани янги мавсумга пухта тайёрлаш мақсадида ўқув машғулотларига зўр бермоқда.

Шунингдек, "Трактор" футболчилари 10-12 февраль кунлари Ашхободда ўтадиган "Туркманистон президенти кубоги" турнирида қатнашади.



*Рустам Умаров. Бу ном эндиликда Ўзбекистондан, бутун дунёга ёйилди. У йигирма ёшида Россиянинг Қозон шаҳрида белбоғли кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида рақиблари курагини ерга теккизиб, олтин медаль соҳиби бўлди.*

# ТЎРАҚЎРҒОН КУРАШ МАКТАБИ

Кураш тушиш унга аволдларидан мерос. Ўтган асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган катта бобоси Тўйчи полвон Сидиқовни бутун Марказий Осиёда яхши танишарди. Паҳлавонкелбат бу одамни кураш davраларининг кўрки бўлган, дейишади. Унинг томошадан-томошага етаклаб юрадиган яккаю ягона ўғли Соиббой ҳам кенг яғринли, кураш деса жонини берадиган йигит чиқди. Ўн икки ёшидаёқ арғумоқ уловини тутиб, кичик-кичик давраларда беллашиб юрганини тенгдошлари яхши эслашади. Кейинроқ шофёр, механизатор касбларида ишлаган чоғларида ҳам мусобақанинг дарагини эшитса, уловдами ёки яёв, албатта, етиб борарди. Тўйчи полвоннинг оқ фотиҳасини олгач, номдор курашчилар билан олишишга даъвогарлик қила бошлади. Енгди, енгилди, Соиб полвон, деган ном чиқарди. Айниқса, 1957 йилги ғалабаси бутун тўрақўрғонликларнинг ёдида. Соиб ака ўша йили Тошкентда миллий кураш бўйича ўтказилган фестивалда чемпион бўлди. Рустам — ана шу кишининг набираси. Бел олишишнинг ҳадисини эса тоғаси Неъматжондан ўрганган.

Кейинги йилларда спорт мусобақалари, бошқа davраларда «Тўрақўрғон кураш мактаби» деган ибора тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бу иборани икки хил маънода тушуниш мумкин. Биринчиси, Тўйчи полвон Сиддиқов сулоласидан иборат бир тўп полвонлар. Иккинчиси, спортнинг ушбу тури бўйича маҳорат усталарини тарбиялаб бераётган таълим муассасаси. Унга ҳам Тўйчи отанинг номи берилган. Курашчи бўлишни орзулаб, белига белбоғ боғлаган бола борки, кучи, қувватига сайқал бериш учун шу ерга келади. Дастлабки пайтда Тўйчи ота набираси, Соиб полвон ўғли Неъматжоннинг ука ва жиянлари, маҳалла болалари машғул бўлган жойда эндиликда мингга яқин ёш шуғулланяпти. Туман ҳокимлиги Тўрақўрғон шуҳратини чор-атрофга ёяётган ёш полвонлар учун етарли шарт-шароит яратишга бош-қош. Беш-олти йил бўлди, уларга «Ширинлик» маданият саройидан алоҳида машғулот хоналари ажратиб берилди. Йигирма уч нафар мураббий шогирдларига рақибни енгиш сир-синоатини эринмай ўргатмоқда. Бу орада мактабнинг 22 нафар тарбияланувчиси, шу жумладан, Тўйчи полвон сулоласининг 12 нафари спорт устаси унвонига эга бўлди. Улардан уч нафари халқаро тоифа учун белгиланган шартларни ҳам бажарган. Шу йиллар ичида юздан ортиқ ёш курашчи олтин медаль олди. Мактаб битирувчиларидан 48 нафари нуфузли мусобақаларда ғолибликни қўлга киритиб, мамлакат олий ўқув юртларига имтиёзли асосда ўқишга қабул қилинди. Шогирдлари эришаётган муваффақият, белбоғли курашни оммалаштириш соҳасидаги хизматлари эътиборга олиниб, мактаб директори Неъматжон Тўйчиевга икки мингинчи йили «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси» фахрий унвони берилди.

Энди мактаб тарбияланувчиси, айни пайтда Наманган давлат университети талабаси Рустам Умаров ҳақида.

Тоғалари ортидан эргашиб юриб, саккиз ёшдан майдонга тушган болакай ҳалол бел олишиб, чинакам полвон бўлиб етишди. Биринчи йирик ғалабага Фарғонада, «Умид ниҳоллари» беллашувларида эришган эди. Самарқандда «Универсиада — 2004» ғолиби бўлди. Ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчиликларидан беш бор кўксига олтин медаль тақиб қайтди. Бултур республика катталар терма жамоасига қабул қилиниб, кубок соҳиби, чемпионат ғолиблигига сазовор бўлди.

— Спортчининг неларга қодирлиги рақиби билан юзма-юз келганда аён бўлади. Турли даражадаги юздан ортиқ мусобақаларда қатнашдим, аксариятида рақибимни доғда қолдириб, майдондан бошимни баланд кўтариб чиқиб кетдим, — дейди жаҳон чемпиони. — Ғалабага эришиш учун эса курашчи, энг аввало, забардаст бўлиши, рақибини даст кўтариб ура олиши керак. Қолаверса, спортнинг бу тури ҳалолликни ёқтиради. Ота-боболаримиз рақиб тортганда тизза ерга тегиб, чўккалаб қолса ҳам, мағлубликни тан олиб, шеригининг елкасига урганча майдондан чиқиб кетишган. Айтмоқчиманки, ғирромлик бизга ёт.

Бундан бир ой муқаддам Қозон шаҳрида белбоғли кураш бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионатида республикамиздан ўн нафар полвон гиламга тушди. Йигитларимиз тўртта, шу жумладан, битта олтин, битта кумуш ва икки бронза медаль соҳиби бўлишди. Дунёнинг тўрт қитъасидан 44 мамлакат вакиллари иштирок этган йирик мусобақада ғалаба байроғини тикиш ўзбек йигити Рустам Умаровга насиб этди. У саралаш босқичида Афғонистон, Болгария вакилларини енгиб, ярим финалда анжуман мезбони, татар полвони Дмитрий Ромадиннинг курагини ерга теккизди. Финалда эса литвалик Евалдас Гунавидусни дастлабки дақиқадаёқ мағлуб этиб, ўзбек спорти имкониятларини яна бир карра жаҳонга кўз-кўз қилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**









| | |
|---|---|
| Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали «Сиёсат» студияси катта муҳаррири Инобат Нормуродовага волидаи муҳтарамаси **ОЙДИН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жамоаси илмий-методика бўлими бош кутубхоначиси Оботбой Қиличбоевга падари бузруквори **РЕИМБОЙ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. |
| Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси Ахборот технологиялари ва дистанцион ўқитиш маркази директори Шериквой Шерматовга қизи **Наргиза БЎРИЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси жамоаси бошқарув раисининг ёрдамчиси Зиёвитдин Тўлагановга падари бузруквори **ЙЎЛДОШ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради. |
| Республика акциядорлик тижорат банки — "Ғаллабанк" жамоаси банкнинг Юнусобод филиали бошқарувчиси Гулчеҳра Акиловага онаси **ЎКТАМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. | Республика акциядорлик тижорат банки — «Ғаллабанк» меҳнат жамоаси халқаро банк амалиётлари ва лойиҳавий молиялаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Лола АНАРБАЕВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади. |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 359. 34270 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар
Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 00.40 23456